

ЭКОШАҲАРДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ЖАДАЛЛАШТИРИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари билан Фарғона шаҳрида барпо этилаётган Экошаҳарда – “Янги Ўзбекистон” массивида бўлиб, қурилиш ишларининг бориши билан танишди.

Вилоят марказида 300 гектар майдонда 40 минг аҳолига мўлжалланган йўлдош шаҳарчани бунёд этиш ишлари жадал амалга оширилмоқда. Жорий йил 28 январда илк котлован қазиш ва пойдевор учун бетон қўйиш ишлари бошланган Экошаҳарда бугунги кунда 69 та кўп қаватли турар-жой қад ростламоқда. Шу билан бирга, иккита мактаб, иккита мактабгача таълим муассасаси, битта шифохона, 4000 ўринли амфитеатр қурилиш ишлари ҳам давом этмоқда.

Экошаҳарга электр таъминоти, сув, канализация тармоқлари тортиш ишлари якуний босқичга кирди. Ҳудудда сунъий кўл барпо этиш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда.

Хайрулло Бозоров масъуллар билан суҳбатлашиб, ҳар бир обьект бўйича қурилиш ишларининг боришини бирма бир жойида муҳокама қилди.

Айрим обьектларда қурилиш жараёнларининг суст олиб борилаётганини танқид қилган вилоят ҳокими, белгиланган режа-графикка мос равища ишларни жадаллаштириш, ишчи-ходимларни кўпайтириш ва яхши иш ташкил қилган қурувчиларни қўллаб-қувватлаш кераклигини таъкидлади. Баъзи тадбиркорларнинг қурилиш ишларини тезлаштириш учун банк кредити олишга кўмаклашиш бўйича мурожаатлари ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Экошаҳар ҳудудида ташкил этилаётган 70 гектарлик “Янги Ўзбекистон” боғини кўздан кечирган вилоят ҳокими, дарахтлар орасига кузги-қишки мавсумда қўшимча равища сифатли кўчатлар экиш вазифасини юклиди.

Қурилиш жараёнларида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига амал қилишни таъминлаш бўйича мутасаддиларга ҳамда қурилиш фирмалари раҳбарларига қатъий кўрсатма берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-11-01 22:47:04